

Мусулмонлар учун “ҳалол” браузерни ишлаб чиқилди



17:04 / 29.01.2019 2670

Малайзиялик дастурчилар томонидан ишлаб чиқилган “Ҳалол” браузерни орқали сайтлардаги контентни филтр қилиш имконияти пайдо бўлди. Ушбу браузернинг SalamWeb номли иловасида исломий одоб-ахлоққа тўғри келмайдиган, турли ҳақоратли контентларни блоклаш учун бир қанча филтр қилиш воситалари мавжуд. Мисол учун, браузер фаҳш тарғиб қилувчи ва қимор уйинларига ихтисослашган сайтларни умуман кўрсатмайди.

“Bloomberg”нинг хабар беришича, браузер намоз вақтларини ҳам кўрсатиб туради. Ҳозирда янги илова, асосан Малайзия ва Индонезия мамлакатларида истиқомат қилувчи мусулмонларга мўлжалланган. Бироқ компания яқин келажакда иловасини дунёнинг 10 фоиз мусулмонлари

орасида тарқатишни режалаштирган.

“Биз интернетни яхшироқ қилишни истаймиз. У яхши ва ёмон қисмларга бўлинади. Бизнинг браузеримиз эса фақат яхши интернет учун ойна очиб беради”, дейди Salam Web Technologies вакили Ҳасни Зарина.

Islom.uz портали таҳририяти